
Шавкатжонов Нозимжон Турсунали ўғли кумуш медали совриндори

Данғара тумани 1-Давлат Ихтисослаштирилган умумталим мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси Шавкатжонов Нозимжон Турсунали ўғли ўз мактабида тантанали кутиб олинди.

Шавкатжонов Нозимжон жорий йилнинг 16-22 сентябр кунлари Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида ўтказилган Халқаро Астрономия олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси сафида иштирок этиб, кумуш медали совриндори бўлди.

Тадбирда туман ҳокими, сектор раҳбарлари, мактаб ўқувчилари ҳамда устозлари иштирок этиб, Нозимжонни эришган ютуғи билан табриклаб ўтишди.

11-синф ўқувчиси Шавкатжонов Нозимжон Турсунали ўғли туман ҳокимлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими бўлимининг фахрий ёрлиғи ҳамда эсталик совғалари билан тақдирланди.

Қувонарлиси Нозимжон терма жамоанинг энг яхши иштирокчиси йўналишида совриндор бўлиб, Ўзбекистон терма жамоа аъзолигига қабул қилинди.

2024-09-25 18:24:11